



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 23 октябрь, № 218 (9113)

Пайшанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТАШРИФ БИЛАН БРЮССЕЛДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйеннинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари расмий ташриф билан Брюссель шаҳрида бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Европа Иттифоқи пойтахтида ушбу бирлашманинг асосий институтлари раҳбарлари билан икки томонлама музокаралар ўтказилиши режалаштирилган.

Кўп қиррали муносабатларни жорий йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувда эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада ривожлантириш ва кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Савдо-иқтисодиёт, инвестиция-молия, инновация, энергетика, транспорт-коммуникация, фан-таълим ва бошқа устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик бўйича аниқ лойиҳа ҳамда дастурларни илгари суриш эътибор марказида бўлади.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши кўзда тутилган.

Ташриф доирасида Ўзбекистон етакчиси Бельгия раҳбарияти билан учрашув ўтказида, технологик ва саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича қўшма режаларни жаддалаштириш мақсадида Европанинг етакчи компания ва банклари раҳбарларини қабул қилади.

Ў.А.

Учрашув

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Парламентлараро Иттифоқнинг 151-ассамблеяси доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ПИ Бош котиби Мартин Чунгонг билан учрашув ўтказди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон парламенти ва Парламентлараро Иттифоқ ўртасидаги ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, келгусидаги режалар ҳамда парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Тошкент декларациясининг ижроси, унинг доирасида белгиланган вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув чоғида 2026 йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида Ёш парламент аъзоларининг 12-глобал

конференциясини ўтказиш тўғрисидаги намунавий битим ҳам имзоланди. Мазкур ташаббус Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган бўлиб, у ёш парламент аъзолари ўртасида глобал мулоқот ва ҳамкорлиқни кенгайтиришга қаратилган. Мартин Чунгонг мазкур келишувни Ўзбекистон ва Парламентлараро Иттифоқ ўртасидаги ишончли ва самарали ҳамкорлиқнинг мантикий давоми сифатида эътироф этди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Анжуман

ДОЛЗАРБЛИГИЧА ҚОЛАЁТГАН МУАММОЛАР

Илгари хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати делегацияси Женева шаҳрида бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 151-ассамблеяси доирасида турли мавзудаги дебат ва сессияларда иштирок этмоқда.

Жумладан, Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Орал Атаннйозова БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларига бағишлаб ташкил этилган семинарда иштирок этди.



ХАЛҚПАРВАР, ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ — ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, фуқароларга давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар ҳажми ва турларини кенгайтириш йўналишида тизимли ишлар амалга ошириляпти. Натижада ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари икки бараварга кўпайиб, ногиронлиги бўлган шахслар ва болаларга ғамхўрлик қилаётганлар учун янги турдаги имтиёзлар жорий этилмоқда.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси юртимизда изчил амалга оширилаётган шиддатли ислохотларнинг мантикий давоми ҳисобланади. Тараққиёт стратегиясининг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” номли тўртинчи устувор йўналишида ижтимоий давлат негизини ташкил этувчи масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Давлатнинг ижтимоий характери кўп ҳолларда унинг Асосий Қонунида мустаҳкамлаб қўйилади. 1949 йил биринчи бор ГФР Конституциясида, кейинги йилларда Европа ва МДХ давлатлари конституцияларида ижтимоийлик ўзининг конституциявий ҳодасини топган. Ижтимоий давлат инсонларнинг меҳнати ва соғлигини муҳофаза қилиш, иш ҳақининг минимал кафолатланган миқдорини белгилаш, оила, оналик, оталик ва болаликка, ногиронлиги борлар ва кекса кишиларга ёрдам беришни таъминлаш, давлат

пенсиялари, нафақалари ва ижтимоий ҳимоянинг бошқа турларини кафолатлаш мажбуриятига эга. Ижтимоий давлатнинг моддий замини муҳтож қатламларнинг яшаш минимумини таъминлай оладиган иқтисодий ривожланишнинг юксак даражасидир.

Асосий Қонунимизда ҳам давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятларига тааллуқли нормалар уч баробар кўпайди. Энг муҳими, янги таҳрирдаги Конституциямизда биринчи марта “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” деган норма белгиланди.

Ижтимоий давлат — ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришишини таъминлаш, ижтимоий тафовутни юмшатиш ва муҳтожларга ёрдам бериш учун моддий бойликларни адолат таъминлига мувофиқ тақсимлашга қаратилган давлат модели.

Илгор мамлакатлар таҳрибаси таҳлилига кўра, аҳолининг ижтимоий жи-

хатдан ҳимояланмаган қисми — ишсиз, пенсионер ёки имконияти чекланган шахсларни, оилани, оналик, оталик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, соғлиқ ва меҳнатни ҳимоялаш, даромадни қайта тақсимлаш орқали жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни йўқотиш, маданият ва таълим лойиҳалари дастурларини молиявий рағбатлантириш ва ишсизликка қарши курашиш ижтимоий давлатнинг асосий вазифаси.

Кейинги йилларда Президентимиз бошчилигида бу борада муҳим ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ташкил этилди, “Мономарказ”лар фаолияти йўлга қўйилди, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” ташкил этилди. Ишляётган пенсионерга юз фоиз пенсия тўлаша ўтилди.

Умуман, бу борадаги ислохотлар самарадорлик, манзиллилик ва адолат таъминлигига асосланиб, фуқароларнинг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Бунинг учун махсус мезонлар ишлаб чиқилиб, эҳтиёжманд тоифанинг аниқ қандай ёрдамга муҳтожлиги белгиланган. Ҳар бир фуқаро учун алоҳида индивидуал ижтимоий хизматлар дастури тузилган.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАҚАМЛИ КЕЛАЖАГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СТРАТЕГИК ОМИЛ

Илм-фан ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этиб бораётган бугунги шароитда дунёнинг ривожланган мамлакатларида давлат ҳамда жамият бошқаруви, иқтисодиёт, саноат, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, бандлик, қишлоқ хўжалиги, муҳофаа, хавфсизлик, туризм ва бошқа соҳаларда замонавий ахборот технологиялари, сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш урфга кирмоқда.

Акс садо

Ўзбекистонда ҳам ахборотлаштириш ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали 2030 йилга қадар инновацион тараққий этган етакчи давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Зеро, учинчи Ренессанснинг пойдевори қурилаётган экан, уни юксак технологияларсиз, хусусан, сунъий интеллектсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Қолаверса, XXI аср таълим соҳасида туб ўзгаришлар юз берган давр сифатида тарихга кирмоқда. Айниқса, сўнгги ўн йилликда технология-

ларнинг жадал ривожланиши, рақамли воситаларнинг ҳаётимизга чуқур кириб бориши олий таълим тизимини глобал миқёсда трансформация қилишни тақозо этаётди. Ушбу жараёнда энг асосий кучлардан бири сунъий интеллект (СИ) технологияларидир. Таълим тизимида сунъий интеллектни жорий этиш нафақат ўқитиш усулларини, балки ўргатиш методологияси, баҳолаш мезонлари, илмий тадқиқот юритиш форматлари, талабалар ва ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатини ҳам тубдан ўзгартирмоқда.

ЯНГИ ФИКРЛАШ МАДАНИЯТИ ВА ЯНГИ ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИ

Рақамли технологиялар бугунги кунда жамият ҳаётининг барча баҳчаларига таъсир кўрсатмоқда. Унинг энг замонавий шакли — сунъий интеллект ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Айниқса, таълим тизимида рақамли трансформация жараёнлари янги босқичга кўтарилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган сунъий интеллект соҳасини ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам жамият ҳаётидаги энг устувор йўналишлар, хусусан, таълим соҳасига оид қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Соҳага доир билдирилган фикрлар, берилган топшириқлар ва таклиф этилган ечимлар нафақат соҳа мутахассислари, балки ҳар бир ота-она ва ёш авлод тақдирига бефарқ бўлмаган фуқаро учун ҳам, уларнинг вакиллари ҳисобланган депутатлар учун ҳам бирдек аҳамиятлидир.

Масалан, таълим тизимида сунъий интеллект бўйича билимларни эрта босқичдан бошлаб ўргатиш зарурлиги ургунлангани бежиз эмас. Чунки мактабдан бошлаб ёшларга сунъий интеллектни ўргатиш стратегик масала ҳисобланади. Бу таклиф синовдан ўтган тажрибагагина эмас, балки илм-фан исботлаган методологияга таянилгани билан ҳам диққатга сазовор.

Ушбу йўналишда мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш, алгоритмлаштириш, дастурлаш ва маълумотлар таҳлили каби фанларни босқичма-босқич жорий этиш масаласи кун тартибига қўйилди. Замонавий ўқувчи фақат билим эмас, балки технологик тафаккурга ҳам эга бўлиши лозим. Албатта, бугун бутун дунёда рақамлаштириш жараёнлари шиддат билан ривожланаётган даврда ёшларимиз замонавий билимлар асосида таълим олиши, рақобатбардор кадр бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Бунда замонавий фанларни мактабдан бошлаб ўқитилиши фоятда муҳимдир.

Юқоридаги таклифнинг мантикий да-



Очиқ парламент

«АҚЛ МАРКАЗЛАРИ» ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан “ақл марказлари” вакиллари билан мулоқот ўтказилди.

Унда депутатлар, Инновацион ривожланиш агентлиги, “ақл марказлари” вакиллари ҳамда соҳа экспертлари иштирок этди.

Учрашувда мамлакатимизда мавжуд етакчи “ақл марказлари” томонидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги, уларнинг салоҳиятини ошириш учун яратилаётган қўшимча шарт-шароитлар хусусида сўз борди. Хусусан, улар фаолиятида юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари билан боғлиқ масалалар ҳамда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича фикр алмашилди.

Мунозаралар давомида “ақл марказлари” вакиллари томонидан соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, бугун турли йўналишларда изланишлар олиб бораётган “ақл марказлари”нинг таҳлилий ўрганишлари ва уларда мавжуд маълумотларни ягона электрон тизимга интеграциялаштириш таклифи билдирилди.

Ушбу таклифлар атрофича кўриб чиқилиб, улар бўйича амалий ечимлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.



Чорвачилик:

АМАЛИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ ОРТМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган дастурнинг ижроси тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Эшитув

Таъкидланганидек, кейинги йилларда аҳоли-мизни чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорига гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсу-

лотлари етказиб берилишини кенгайтириш, чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ҚАНЧА?

2025 йил 1 август ҳолатига республикаимизда чет эл инвестицияси иштирокида

16 609 та
корхона фаолият юритмоқда.

Шундан
4 094 таси
қўшма ва
12 515 таси
хорижий корхоналардир.

Улар тармоқлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юқори улуш —
35,9 фоиз
савдо соҳасига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича улар қуйидагича:



савдо соҳасида
5 960 та



қурилишда
1 248 та



яшаш ва
овқатланиш
бўйича хизматлар
соҳасида
704 та



қишлоқ, ўрмон
ва балиқчилик
хўжалиги
тармоғида
404 та



соғлиқни сақлаш
ва ижтимоий
хизмат кўрсатиш
йўналишида
197 та



саноатда
3 449 та



ахборот ва алоқа
йўналишида
1 220 та



ташиш ва сақлаш
бўйича
551 та



бошқа
соҳаларда
2876 та

Манба: Миллий статистика қўмитаси.

Сенат кўмиталарида



ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ КУЧАЙТИРИШДА МУҲИМ ВОСИТА

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистоннинг Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт ва Ҳиндистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ўз фаолияти ҳақида ҳисобот берди.

Муҳокама давомида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, олий ва юқори даражадаги ташрифлар доирасида имзоланган “Йўл хариталари” ижросини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, инвестиция ва савдо алоқаларини кенгайтириш, энергетика, саноат, қурилиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, туризмни ривожлантириш, шунингдек, хориждаги ватандошларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр юритилди.

Таъкидланганидек, ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт ва Ҳиндистон билан савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, саноат ва инновация соҳаларидаги кўп қиррали ҳамкорлиги тобора кенгайиб бормоқда. “Яшил” иқтисодиёт, “акли” шаҳарлар, зиёрат, тиббиёт ва ишбилармонлар туризми каби муҳим йўналишларда етакчи хорижий компаниялар билан биргаликда истиқболли йирик лойиҳалар амалга ошириляпти.

АҲОЛИ ТАШВИШИГА САБАБ БўЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Унда мудофаа соҳасига оид қонун ҳамда муҳим ижтимоий масалалар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун қўриб чиқилди. Қайд этилганидек, сўнгги йилларда Куролли Қуларни профессионал тузилмага айлантириш ҳамда ҳарбий хизмат нуфузини янада кўтариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Муҳокамада таъкидланганидек, мазкур қонун ҳарбий рўйхатга олиш ва ундан чиқариш тартибини, ҳарбий хизматга мажбурлар ва қачирилувчилар тўғрисидаги ахборотнинг электрон алмашувини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Унинг қабул қилиниши мамлакатимиз мудофааси ва ҳарбий хавфсизлигининг самарали тизимини янада мустаҳкамлашга ҳўқуқли замин яратди. Шунингдек, йиғилишда Сенатнинг ялпи мажлисларида сенаторлар томонидан кўтарилган муҳим ижтимоий масалалар ҳам қўриб чиқилди.

ДОЛЗАРБЛИГИЧА ҚОЛАЁТГАН МУАММОЛАР

Муҳокама чоғида ФАОнинг йиллик ҳисобот маълумотлари таҳдим этилди. Унга кўра, очликка қарши курашиш ва озик-овқат таъминоти масалалари ҳамон долзарблигича қолмоқда. Дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам эришилган ютуқларга қарамай Барқарор ривожланиш мақсадларига, аynиқса, тўйиб овқатланмаслиكنинг барча шаклига барҳам беришга қаратилган вазифаларга эришиш учун жаҳон ҳам-жамияти катта ишларни амалга ошириши лозимлиги таъкидланди. Иштирокчилар соғлом овқатланиш гоғларини илгари суриш, таълим муассасаларида унинг сифатини яхшилаш, шунингдек, ёшлқдан тўғри овқатланиш маданиятини шакллантиришда парламент аъзоларининг муҳим ролини таъкидлашди.

Шу билан бирга, сенатор иқлим ўзгариши, озик-овқат хавфсизлиги ва тамаки истеъмолига қарши курашиш масалаларига бағишланган сессияларда ҳам иштирок этди.

«Халқ сўзи».

ЎЗИГА ХОСЛИК ВА ҒУРУР ТИМСОЛИ

Сўнгги йилларда юртимизда давлат тилига бўлган эътибор нийҳонда кучайди. Бу борада Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси муҳим аҳамият касб этади.

Фикр

Хусусан, куни кеча эълон қилинган “Давлат тилини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори бу борада янада аниқ ва улкан мақсадларни белгилаб берди. Унда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча соҳасида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш, таълим тадқиқотларида ўзбек тилини ўқитиш тизимини такомиллаштириш, унинг соғлигини сақлаш ва мунтазам бойитиб бориш ҳамда халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини кенгайтириш устувор

вазифа сифатида шаклланган. Давлат тилини ривожлантириш борасида олиб борилаётган бундай сайй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидagi обрў-эътибори ошиши бaрoбapида ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузи ортishi га ҳам сабаб бўлмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда дунёда ўзбек тилида сўзлашадиганлар сони ортиб бораётгани, жаҳоннинг кўплаб олий таълим муассасаларида ва мактабларида ўзбек тили дарслари ўқитилаётгани, ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бoраётган хорижлик олим ҳамда тадқиқотчилар сони йил сайн кўпаяётгани бунинг исботидир.

Янги цивилизация босқичи:

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ДАВРИГА ДАДИЛ ҚАДАМ

Бугунги кунда сунъий интеллект технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб, энг мураккаб масалаларга ҳам тезкор ва аниқ ечим топа оладиган даражада ривожланмоқда. Халқаро рақобатда ҳам интеллектуал салоҳият ва технология устунлик ҳал қилувчи омилга айланмоқда.

Нуктаи назар

Сўнгги йилларда у жадал тараққий этиб, имконият кенгайгани сари унинг дастурий маҳсулотлари ҳам кўпаймоқда. Одамлар замонавий технологиялардан фойдаланишни бошлагани туфайли у технология ва жамият ривожига глобал тенденцияга айланиб кетди. Хар бир давлат, ҳар бир корпорация ҳозир шу орқали рақобат қилаётир.

Мамлакатимизда ҳам сунъий интеллект имкониятлари тўғри баҳоланиб, ундан фойдаланиш тобора оммалашмоқда. Хусусан, давлат бошқаруви тизимларида, таълимда, тиббиётда, иқтисодиётда ва қишлоқ ҳўжалигидаги бир неча соҳаларда ундан фойдаланиш кенгаймоқда.

Утган даврда сунъий интеллектни ривожлантириш учун ҳўқуқий ва ташкилий асослар яратилди. Сунъий интеллектни 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси қабул қилинди, махсус марказ ташкил этилиб, 30 дан ортқк пилот лойиҳалар амалга оширилди. Бунинг натижасида Ўзбекистон халқаро рейтингда 17 поғона қўйрилиб, Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади.

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев расмийлашга ўтказилган йиғилишда ҳам давлат бошқаруви, иқтисодиёт тар-

моқлари ва ҳудудларда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш масалалари муҳокама қилиниб, бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “бугун инсоният янги цивилизация босқичига — сунъий интеллект даврига дадил қадам қўймоқда. Қайси соҳа бўлмасин, ким бу жараёнда қаттиқ изланиб, аниқ натижа қилса, бир қадам олдинда юрса, марра шуниқи бўлади”. Шу боис Ўзбекистон ҳам бу соҳада кузатувчи эмас, фаол иштирокчи бўлиш йўлини танлади.

Мамлакатимиз етакчиси томонидан белгиланган уч асосий йўналиш — инфратузилма, очиқ маълумотлар ва кадрлар тайёрлаш — бу стратегиянинг таянч устунлари. Шу мақсадда 16 та суперкомпьютер харид қилиш учун 50 млн. доллар ажратилиши, кейинги йилда бу маблаг икки баравар оширилиши режалаштирилган.

Соҳанинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш мақсадида Қорақалпоғистонда махсус имтиёзли режим жорий қилинади, сунъий интеллект инфратузилмасига 100 млн. доллардан ортқк сармоя киритган инвесторлар учун электр энергияси нархи 5 цент этиб белгилана-

ди, IT-парк имтиёзлари татбиқ қилиниб, импорт ускуналари божхона тўловларидан озод этилади.

Чекка ҳудудларда эса интернет тезлигини ошириш мақсадида “спутник интернет” операторлари фаолияти йўлга қўйилади. Давлатимиз раҳбари маълумотлар ишончилиги ва сунъий интеллект самарадорлигини ошириш учун 55 та ташкилотнинг маълумотлар базасини ягона давлат дата-марказига бирлаштириш, келгуси йилда бу тизимни барча вазирлик ва идораларга татбиқ этиш зарурлигини таъкидлади.

Яна бир муҳим масала сифатида сунъий интеллект дастурлари ўзбек тилини мукаммал тушуниши зарурлиги қайд этилди. Бу мақсадда “Ўзбек тили миллий корпуси”ни яратиш вазифаси қўйилди. Ушбу ташаббус ўзбек тилининг рақамли имкониятларини кенгайтириш, миллий кадриятларни глобал технологиялар тили орқали ифодалашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Йиғилишда илгари сурилган “Сунъий интеллект альянси” гоғиси эса давлат, бизнес, илмий доиралар ва ёшлар кучини бирлаштириб, Ўзбекистонни минтақада сунъий интеллект марказига айлантириш стратегиясининг пойдевори бўлади.

Президентимиз IT-паркка ташрифи чоғида сунъий интеллектни соҳаларга кенг жорий этишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан ҳам танишди. Тақдим этилган “Университет — саноат — халқаро ҳамкорлик” кластери ва “АИИ Мактаб”

қоидаларига тўла амал қилмаслик, сўзлашувда турли тилларга оид атамаларнинг қоришиб кетиши, сўз ва ибораларни нотўғри, ўринсиз ишлатиш, талаффуздаги нуқсонлар, буларнинг барчаси она тилимиз талқини бузилишига олиб келадиган салбий вазиятлардир.

Бундай ҳолатларга қарши, энг аввало, юртимиз зиёлилари, ўзбек тили ва адабиёти соҳаси мутахассислари, ижод аҳли, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар ҳамда парламент аъзолари бонг уришимиз керак. Шундагина тилимизнинг ривожига ва тарраққийи йўлидаги кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини ҳар қадамда кўрсатади.

Бугун Янги Ўзбекистонни куриш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг ҳал қилувчи босқичига кирмоқда. Бу йўлда она тили миллий ўзига хослик ва ғурур тимсоли сифатида, шубҳасиз, биз учун катта куч ҳамда илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиши лозим.

Кобул ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси ўринбосари.

платформаси орқали ёшлар рақамли кўникмаларга эга бўлиши, ўқитувчилар малакаси оширилиши ҳамда соҳа учун замонавий мутахассислар тайёрлаш имкониятлари кенгайди. Мамлакатимиз раҳбари иқтидорли ёшлар яратган “ПромптЛаб”, “Detecting-AI.com” ва “КотибАИ” каби маҳаллий ишланмаларни юқори баҳолаб, сунъий интеллект лойиҳаларини ҳар бир соҳада жорий этиш ва ёшларнинг илмий салоҳиятини кўллаб-қувватлаш бўйича топшириқлар берди.

Умуман, бугун Ўзбекистон сунъий интеллектни тараққийт, иқтисодий рақобатбардошлик ва интеллектуал мустақилликнинг асоси сифатида кўрмоқда. Янги стратегиялар, технологик инфратузилма ва инсон капиталига қаратилган сармоялар мамлакатни Янги Ўзбекистон концепциясига мос равишда интеллектуал давлат сари етакламоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан соҳани ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шу маънода биз, халқ вакиллари мазкур йўналишдаги фаолиятимизни янада жонлантириб, соҳанинг ҳўқуқий асосларини бугунги ислохотларга мос равишда такомиллаштириб боришга, бу борадаги ишлар устидан депутатлик назоратини кучайтиришга устувор аҳамият қаратамиз.

Шаҳноза ХОЛМАҲАМАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Янги Фикрлаш Маданияти Ва Янги Таълим Фалсафаси

Рақамли таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик ва билимлар алмашинуви ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сунъий интеллект соҳасида дунёдаги илгор университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, талабалар ва устозларни халқаро стажировкаларга йўллаш, онлайн курслар ва сертификат дастурлари орқали билим алмашинувини кенгайтириш ҳам Президентимиз белгилаб берган муҳим вазифалардан бири бўлди.

Биз, депутатлар юқоридаги айтилган тақлиф ва ташаббусларни амалга оширишда, қонун ижодкорлиги, парламент назорати шаклларида самарали фойдаланган ҳолда фаол иштирок этишимиз лозим бўлади. Зеро, сунъий интеллектни жамият ҳаётига кенг татбиқ қилиш, барчамиздан ушбу стратегик мақсад ва вазифалар атрофида бирлашиб, жипслашиб ҳаракатланишни талаб этади.

Бугун жамият ҳаётини, жумладан, таълим соҳасини сунъий интеллектсиз тасаввур қилиш мушкул. Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар таълим тизимини келажак эҳтиёжларига тайёрлашга қаратилган муҳим қадамлардир. Бу гоғларни ҳаётга татбиқ этишда фақат давлат идоралари эмас, балки фуқаролик жамияти институтлари ва албатта, депутатлар, педагоглар ҳам фаол қатнашиши зарур. Зотан, сунъий интеллект бу фақат технология эмас, балки янги фикрлаш маданияти, янги таълим фалсафасидир.

Шўҳрат ЁҚУБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ХАЛҚПАРВАР, ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ — ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Хусусан, айни пайтда аҳолини ўрганиш учун ягона саволнома жорий этилган. Хонадонга “маҳалла еттигилни”нинг қайси вакили киришидан қатъи назар, оиладаги муаммолар ва имкониятлар ҳолис баҳо-ланади ва “ижтимоий портрет” шакллантирилади. Фақат ёрдам бериш билан чекланилмайди, ёрдамдан кейин хонадондаги ўзгаришлар ҳам доимий мониторинг қилиб бoрилади. Бундан қўзланган мақсад — маблагни қисқартириш эмас, балки мавжуд ресурсларни айнан ҳақиқий муҳтожларга етказиш, уларни жамиятга интеграция қилиш, мустақил ҳаёт кечирishi имко-

нини яратиш. Ижтимоий хизматлар энди шартнома асосида таҳдим этилади. Бу эса хизмат кўрсатувчи ва ёрдам олувчи ўртасида ўзаро масъулиятни кучайтиради.

Яна бир муҳим жиҳат, эндиликда барча ижтимоий ёрдамлар “ижтимоий карта” орқали молиялаштирилмоқда. Бу карта орқали ёрдамнинг мақсадли етиб бoриши, шаффофлик ва самарадорлик таъминланади.

Шунингдек, кўп тармоқли ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этиш орқали махсус эҳтиёжманд шахслар, айниқса, ногиронлиги борларга мослашган хизматлар қўлами

кенгайтирилмоқда. Хусусан, 40 та туманда фаолият бошлаган бу марказларда реабилитация, соғломлаштириш ва каровчиларни ўқитиш каби муҳим йўналишлар қамраб олинмоқда.

Ислохотлар изчил давом этирилмоқда. Мақсад инсон ва унинг манфаатларини бирламчи ўринга қўйиш ва улар учун муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Зеро, ижтимоий давлат тамойили айнан шундай мустаҳкам асосларга қурилаётгани халқпарвар сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Ўқтамжон АХУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси аъзоси.

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР ТИББИЙ ХИЗМАТДАН ҚАНДАЙ Фойдаланяпти?

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Сирдарё вилоятида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинган оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳолати ўрганилмоқда.

Ўрганиш

Маълумотларга кўра, Сирдарё вилоятида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинганлар сони 15 885 тани, оилалар аъзолари 89 150 нафарни ташкил этади. Жорий йилда уларнинг 64 836 нафа-

ри тиббий кўрикдан ўтказилган.

Вилоятдаги кам таъминланган оилалар аъзоларининг 6 996 нафари биринчи мартаба, 18 644 нафари эса муқаддам диспансер назоратига олинган.

Тиббий кўрикдан ўтказилганларнинг 820 нафаридасаб, 1 204 нафаридаярак-қон томир, 1 255 на-

фарида нафас олиш, 435 нафарида пешоб айриш, 743 нафарида суяк мушак, 2 279 нафарида эндокрин тизими ва 282 нафарида тери-таносил аъзолари ҳамда 18 593 нафарида бошқа касалликлар аниқланган.

Ишчи гуруҳ томонидан вилоятнинг Гулистон шаҳри ва Мирзаобод туманидаги кам таъминланган оилаларда сурункали касалликларга чалинганлар сони, уларни соғломлаштириш бўйича тармоқ режа тузилгани ва унинг амалдаги ижроси, тиббий хизмат турлари (масалан, бепул тиббий кўрик,

имтиёзли дори-дармон, стационар даволаниш, санаторийга йўлланма) билан таъминланиш ҳолати таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари замонавий тиббий ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлангани, тиббий хизмат сифатини яхшилаш бўйича қўрилаётган чоралар ҳамда кам таъминланган оилаларнинг ногиронлиги бор аъзоларини протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш ҳолати билан ҳам танишди.

«Халқ сўзи».



«АҚЛ МАРКАЗЛАРИ» ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Мулоқотда, шунингдек, “ақл марказлари” фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий тадқиқот натижаларини давлат бошқаруви тизимида қўллаш, таҳлил ва тавсиялар орқали қонун ижодкорлиги жараёнига илмий асосланган ёндашувларни жорий этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Яқунда “ақл марказлари” билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Бехзод ТЎХТАМУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— “Ақл марказлари” вакиллари билан мулоқотимиз ўзаро тажриба алмашиш ҳамда самарали ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси, бундай учрашувлар мамлакатимизда инновацион ривожланиш сиёсатини амалга оширишда таҳлил марказларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш, бу борадаги ишларни яна фаоллаштириш, соҳага оид миллий қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Чорвачилик: АМАЛИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ ОРТМОҚДА

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида чорвачилик маҳсулотларининг ҳажми 225,8 трлн. сўмга етди. Жумладан, ўтган давр мобайнида қорамоллар сони 14,7 млн. бошни, қўй-эчкилар 24,6 млн. бошни, тирик вазда гўшт етиштириш 3,2 млн. тоннани, сут етиштириш 13,2 млн. тоннани ташкил қилаётир.

Ушбу дастур асосида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар доирасида чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш соҳасида умумий қиймати 26,3 трлн. сўмлик 6 694 та лойиҳа амалга оширилиб, 86 мингдан кўп доимий ва мавсумий янги иш ўринлари яратилган. Биргина шу йилнинг 9 ойида умумий қиймати 5,1 трлн. сўмлик 1085 та лойиҳа амалга оширилган. Натижада 19 мингдан кўп доимий ва мавсумий янги иш ўринлари ташкил этилган.

Эшитувда чорвачиликка иктисослаштирилган туманларда 450 млрд. сўмлик 27 та йирик чорвачилик кластерига асос солингани, қорамолчилик билан шуғулланувчи субъектлар сони 8054 тани, қўй ва эчкичилик билан шуғулланувчи субъектлар 3 691 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йиллардагига нисбатан 30 фоизга ўсгани айтилди. Чорвачилик тармоқларини ривожлантириш учун халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилиб, унинг доирасида 536,3 млн. доллар маблағ жалб қилингани уруғланди.

Шунингдек, наслчилик хўжаликлари сони 2 500 тага етган. Ушбу хўжаликлар томонидан 71 минг бош наслии қорамол, 310 минг бош наслии қўй ва эчки парваришланиб, аҳоли ҳамда фермер хўжаликларига етказиб берилган.

Озуқа таъминотида амалга оширилган тадбирлар ҳисоби-га бир гектар майдондан етиштириладиган озуқа бирлиги 2023 йилда 8 тоннани ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 11 тоннага етган.

Соҳада балиқчиликни ривожлантириш, сув ва ер ресурсларини тежаш, балиқ етиштириш ҳажминини ошириш мақсидида сув ҳавза майдонлари интенсификацияланиб, уларнинг майдони 12 минг гектарга етказилган. Хусусан, Андижон, Хатирчи, Кармана, Учкўрғон, Норин, Бўстонлик, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Хива, Қўшқўпри туманларида интенсив балиқчиликни ривожлантириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Эшитув доирасида депутатлар чорвага иктисослашган фермерлар ва ем-хашак етиштирувчилар билан амалий мулоқот ўтказиб, соҳада бажарилаётган ишлар, олиб борилаётган ислохотлар жойларда аҳоли ва чорва хўжаликлари қўллаб-қувватлаш, мамлакатда озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилганини айтиб ўтишди.

Муҳокама давомида ҳудудларда парваришланаётган чорва молларида ветеринария хизматларини кўрсатиш тизимини янада кучайтириш, чорвачилик ва унинг тармоқларида илмий тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларини кенгайтириш, озуқа маҳсулотларини етиштиришда замонавий усулларни қўллаш бўйича бир қатор таклифлар берилди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

Сугурта фаолияти учун лицензия қайта расмийлаштирилганлиги тўғрисида ХАБАРНОМА

“APEX INSURANCE” АЖНинг сугурталовчи (қайта сугурталовчи) ва сугурта брокерининг сугурта фаолиятини амалга ошириш лицензияси, юридик манзили ўзгарганлиги ва унга 18-класс — “Тиббий сугурта” қиритилганлиги муносабати билан 2025 йил 20 октябрда белгиланган тартибда қайта расмийлаштирилди.

“APEX INSURANCE” АЖНинг янги манзили: 100060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 77-уй.

Жамият лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар ўз зиммасига олган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаришда давом этади ҳамда илгари тузилган шартномалар ва (ёки) расмийлаштирилган ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатларни ўзгартириш, бекор қилиш ёхуд қайта расмийлаштириш за- руратисиз фаолиятини амалга оширади.



Қайта расмийлаштирил-
ган лицензияни юклаб
олиш учун QR-код



Жамиятнинг янги юридик
манзили геолокациясига
ўтиш учун QR-код

ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАҚАМЛИ КЕЛАЖАГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СТРАТЕГИК ОМИЛ

Сунъий интеллектнинг таълим соҳасида- ги жадал ривожланиши унинг долзарблигини янада ошираётир. Айниқса, пандемиядан сўнг таълимнинг масофавий шакллари кенг тарқалган бир шароитда, СИ технологиялари нафақат қўшимча қулайлик, балки эҳтиёж даражасига айланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, келгуси 5 — 10 йил ичида олий таълимнинг анъанавий шакли рақамлаштирилган ва СИга асосланган форматларга тўлиқ ўтиши кутилмоқда. Бу эса таълим тизимини янги босқичга олиб чиқади, интеллектуаллашган, мослашувчан ва юқори самарадорликка эга билим бериш модели шаклланади, дегани.

Бугунги ёш авлод тезкор, қисқа ҳамда мақсадли билим олишни афзал кўради. Улар учун шахсийлаштирилган, автоматлаштирилган ва интерфаол ўқув мухити муҳим ҳисобланади. Ана шу эҳтиёжларни қондириш учун СИ технологиялари энг самарали ечим сифатида қаралмоқда. Шу боис сунъий интеллект орқали таълим тизимини янгилаш масаласи нафақат техник, балки педагогик, ижтимоий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳам кенг қўламада тадқиқот олиб боришни талаб қиладиган долзарб илмий масалалардан бири сифатида кун тартибига чиқаётир. Бу борада олий таълим тизимида янги ечимларни шакллантириш, инновацион ёндашувларга ўтиш, таълим сифатини ошириш, асосийси, рақобатбардош, замонавий талабларга жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Сунъий интеллект таълим жараёнини фақат техник жиҳатдан эмас, балки методологик, ташкилотчилик ва педагогик жиҳатдан ҳам қайта кўриб чиқишга ундайди. Бу технологиялар ўқитувчиларга янги имкониятлар яратиб, уларни маъмурий ишдан халос қилади, талабаларга эса ўз қобилиятлари ҳамда эҳтиёжларига мослашган ўқув контентини тақдим этади. Шу орқали таълимда сифат, тенг-лик, шаффофлик ва холислик принциплари ривожланади.

Таъкидлаш жоизки, СИ технологиялари таълимдаги катта маълумотлар (Биг Дата) билан ишлаш, ўқув жараёнида фаоллиқни мониторинг қилиш, талабаларнинг психологик ҳолатини таҳлил этиш ва уларга мос услублар орқали билим бериш имконини ҳам яратади. Бундай ёндашувлар нафақат таълим сифатига, балки шахс ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Педагогик ёндашув ва замонавий сабоқ фалсафаси

Мамлакатимизда олий таълим тизими босқичма-босқич модернизация қилиниб, рақамли технологиялар кенг жорий этилмоқда. Президентимиз томонидан таълимнинг сифатини ошириш, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш ва инновацион технологияларни кенг жорий қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу жараёнда СИ технологияларининг ролини чуқур ўрганиш ҳамда уларни таълим тизимига тўғри интеграциялаш стратегик аҳамиятга эга вазифалардан бири саналади.

Сунъий интеллект фақат технология эмас, у янги билим олиш маданияти, янги педагогик ёндашув ва замонавий таълим фалсафасини ҳам талаб этади. Агар биз миллий таълим тизимини глобал таълим майдонида муносиб ўринга чиқаришни истасак, бугун СИ орқали таълимни ислоҳ қилиш масаласига жиддий ёндашишимиз зарур. Бу жараён фақат ахборот технологиялари мутахассислари учун эмас, балки педагоглар, иқтисодчилар, сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар ҳамда жамиятнинг кенг қатламлари учун ҳам долзарбдир. Бу ўринда олий таълимда сунъий интел-

лектнинг имкониятлари, чеклов-лар ва истиқболларини аниқлаш, амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, таълим сифатини яхшилашга ҳисса қўиш мумкин. Бу эса нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга эга бўлган вазифадир.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда сунъий интеллект соҳасига давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилаётгани миллий инновация ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлди. 2019 йилда Президентимиз томонидан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу стратегия асосида соҳага йўналтирилган молиялаштириш ва кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Давлатимиз раҳбарининг сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга оид қарорлари бу борада олиб борилаётган чора-тадбирларнинг ёрқин далилидир.

Ким бир қадам олдинда юрса, марра шуники бўлади

Яқинда ислохотларнинг узвий давомийлиги сифатида Президентимиз раислигида сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди ва унда бугун инсоният янги цивилизация босқичига — сунъий интеллект даврига дадил қадам қўётгани, бундай технологиялар иқтисодиётдан тортиб, таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқарув тизимигача чуқур кириб бораётгани таъкидланди. Қолаверса, қайси соҳа бўлмасин, ким бу жараёнда қаттиқ изланиб, аниқ натижа қилса, бир қадам олдинда юрса, марра шуники бўлишини давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этди.

Дарҳақиқат, йил бошида 2030 йилга бориб, дунё иқтисодиётида сунъий интеллект ҳажми 15 трлн. долларга етиши прогноз қилинган бўлса, ҳозирги таҳлиллар бу рақам 20 трлн. доллардан ортишини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда сунъий интеллект инфратузилмасига 100 млн. доллардан кўп сармоя киритган инвесторларга имтиёзлар берилади.



Давлатимиз раҳбарининг ИТ-паркка ташрифи ҳам Ўзбекистоннинг соҳадиги мақсадлари аниқ эканлигини кўрсатади. Кунги кеча старт берилган “IT-Park” лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасида Саудиянинг “Data Volt” компанияси билан 150 млн. доллар ҳисобига 12 мегаваттли дата-марказ ишга туширилаётган бўлди. Кейинги босқичда яна 3 млрд. доллар сармоя ҳисобига қувватлар 500 мегаваттга олиб чиқилади. Бундай марказлар харажатининг 70 фоизи электр энергиясига тўғри келгани учун инвесторлар жозибадор электр тарифлари масаласини кўтарган.

Шу боис сунъий интеллект инфратузилмасига 100 млн. доллардан кўп сармоя киритган инвесторларга электр энергияси нархи 5 цент этиб белгила- нади, ИТ-парк имтиёзлари татбиқ қилинади, импорт ускуна- лар божхона тўловидан озод этилади. Эътиборлиси, бу борадаги ишлар Қорақалпоғистондан бошланадиган бўлди. Бу соҳада катта сакраш қилиш билан бирга, Қорақалпоғистон иқтисодиёти ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшади, албатта.

Соҳа ривожини учун янги тизим ва илғор ёндашувлар

Олис ҳудудларни юқори тез-ликдаги интернет билан таъминлаш учун кейинги йилдан йўлдошли интернет операторлари фаолияти йўлга қўйилади. Улар 5 йилга ер, мол-мулк, фой-да ва қўшилган қиймат солиғи-дан озод этилади. Эндиликда вазирлар ҳамда тармоқ раҳбарларининг рақамлаштиришга масъул ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида соҳада сунъий интеллектни ривожлантиришга ҳам жавобгар бўлади. Шаҳар ҳамда туманларда ҳам ҳокимларнинг рақамлаштириш ва сунъий интеллект бўйича масла-ҳатчиси лавозими киритилади.

Қолаверса, барча вазирлик ва ҳокимликларга ўз тузилма-сида сунъий интеллектни рив-ожлантириш билан шуғуллана- диган алоҳида бўлинма ташкил қилиниши ва улар, энг аввало, иш самарадорлиги ҳамда хиз-мат сифатини ошириш, ортиқча харажат, “яширин иқтисодиёт” ва бюрократияни қисқартириш каби масалаларга сунъий интел-лект орқали ечим топиш бўйича аниқ вазифалар билан шуғул- ланиши соҳадаги ишларни янада жонлантиради. Юқори

“Шу ўринда қизик маълумот: бир йилда Ўзбекистон сунъий интеллектга тайёргарлик бўйича халқаро индексда 17 поғона юқорилади. Мамлакатимиз дунёда 70-ўрин, Марказий Осиёда 1-ўринда! Бу Ўзбекистоннинг СИ соҳасидаги ютуқлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганидан далолат беради. 2030 йилга қадар мўлжалланган сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясининг қабул қилиниши соҳадаги узок муддатли мақсадларни белгилаб берди ва унинг ривожланиши учун “Йўл харитаси”ни яратди. Рақамли технологиялар вазирлигида СИ билан ишлайдиган алоҳида марказнинг очилиши давлатнинг ушбу соҳага бўлган эътибори ва қўллаб-қувватлашини намоён қилади.”

кўрсаткичга эришган, хорижий тил биладиган, технологик билими кучли 100 нафар мутахас-сис АҚШ, Европа, Сингапур, Япония каби давлатларга олти ойлик курсларга юборилди. Келгуси йилдан вазирлик ва ҳудудларда сунъий интеллектни жорий этиш ҳолатини баҳолай- диган рейтинг тизими ишга ту- ширилади.



Президентимиз дунёда сунъий интеллектга талаб ор-тиб бораётган ҳозирги даврда рақобатдош бўлиш учун 3 та энг асосий масала — инфратузил- ма, очиқ маълумотлар ва кадр-лар тайёрлашга эътиборни ку-чайтириш зарурлигини қайд этиб, бу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишларни аниқ кўрсатиб берди. ИТ-паркнинг ик-кинчи босқичи нафақат техно-логик инфратузилмани яратиш, балки Ўзбекистоннинг рақамли келажагини шакллантиришда стратегик нукта ҳисобланади. Бу ташаббус натижасида илғор технологиялар, сунъий интел-лект ва рақамли маҳсулотлар экспорти ривожланади, ёш авлод учун янги имкониятлар эшиги очилади, маҳаллий стар-тапларни глобал бозорга чиқа-ради, ҳудудий рақамли тенглик-ни таъминлайди, мамлакат иқти-содиётида янги драйвер соҳа-ни шакллантиради.

Албатта, бундай улкан мақ-садлар жиддий тайёргарлик, шаффоф бошқарув, кучли кадрлар ва сифатли инфрату-зилмани талаб қилади. Энг асосийси, лойиҳанинг маркази-да инсон, яъни билимли, креа-



тив ва жавобгарлик ҳиссига эга ёш авлод бўлиши лозим. Юртбошимиз томонидан илгари сурилаётган ушбу концеп-ция узлуксиз амалга оширил-са, Ўзбекистон яқин йилларда Марказий Осиёнинг рақамли хабиға айланиши, шубҳасиз. ИТ-паркнинг бугунги иккинчи босқичи ана шу йўлдаги тари-хий қадамдир.

Шу ўринда қизик маълумот: бир йилда Ўзбекистон сунъий интеллектга тайёргарлик бўйи-ча халқаро индексда 17 поғона юқорилади. Мамлакатимиз дунёда 70-ўрин, Марказий Осиёда 1-ўринда! Бу Ўзбекис-тоннинг СИ соҳасидаги ютуқла-ри жаҳон ҳамжамияти томони-дан эътироф этилаётганидан далолат беради. 2030 йилга

самарали қилишга ёрдам бера-ди. СИ тизимлари онлайн дарсларни ташкил этишда, ўқувчиларнинг иштирокини ва фаолиятини кузатишда, шу-нингдек, ўқувчиларга индивиду-ал ёрдам кўрсатишда қўллани-лиши мумкин. Бу масофавий таълим жараёнини янада қулай ҳамда самарали қилади. Сунъий интеллект ёрдамида ўқувчи-ларнинг ижтимоий қўникмалари-ни ривожлантиришга қара-тилган дастурлар яратиш мум-кин. Масалан, виртуал муҳитда ўқувчилар бир-бири билан му-лоқотга киришиш ва ҳамкор бўлиш имкониятига эга қиқади. Бу ўқувчиларнинг жамоавий иш қўникмаларини ривожлантириш-га ёрдам беради.

Сунъий интеллект ўқувчилар-нинг ўзлаштириш жараёнини таҳлил қилишга қўмаклашади. Бу ҳам ўқитувчиларга ўқувчилар-нинг муваффақиятларини ва му-аммоларини аниқлашга имкон яратади. Шунингдек, таълим жараёнини яхшилаш учун зарур бўлган ўзгаришларни амалга ошириш имконини беради. Ўқитувчилар эса ўз дарсларини янада самарали режалаштириш-лари мумкин.

Сунъий интеллект таълимда инновацияларни қўллаб-қувват-лашга ёрдам беради. Ўқитувчи-лар ҳамда таълим муассасала-ри янги технологияларни ўз ичи-га олган таълим усулларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш-да СИ тизимларидан фойдала-нишлари мумкин. Бу таълим жараёни модернизациясида муҳим ўрин тутadi. Сунъий интеллект ҳозирги ахборот асрида ниҳо-ятда долзарб бўлиб, инсоният СИ орқали XXI асрнинг глобал муаммоларига илм-фанда янги имкониятларни кашф этиш йўли билан ижобий ечимларни топ-моқда. Айниқса, сунъий интел-лектни ривожлантиришда олий таълим муассасаларининг ўрни йилдан-йилга ортиб бораётир.

Саъй-ҳаракатлар самараси қандай?

Шу ўринда сўнгги йилларда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан сунъий интел-лект соҳасини ривожлантириш-га қаратилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, Тошкент дав-лат иқтисодиёт университетида сунъий интеллект ва рақамли технология масалалари бўйича Ректор маслаҳатчиси лавозими жорий этилган бўлиб, ушбу ла-возимда Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университети профессори фаолият олиб бормоқда. Уни-верситетда сунъий интеллект йўналишида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда бакалаврият ва магистратура мутахассислигида 359 на-фар талаба таҳсил олмоқда.

Университетда сунъий интел-лект йўналишида фан-таълим ишлаб чиқариш интеграцияси йўлга қўйилган, бу борада 30 га яқин нуфузли идора ҳамда муассасалар, иқтисодиёт тар-моқлари билан инновацион ҳам-корлик алоқалари ўрнатилган, хориждан соҳа мутахассислари ҳамда нуфузли хорижий олий таълим муассасаларидан про-фессор-ўқитувчилар дарс маш-гулотларига жалб қилиб келин-моқда. Хусусан, замонавий тарзда жиҳозланган “Сунъий интеллект лабораторияси” фаолияти йўлга қўйилган.

Шунингдек, “олий таълим — фан — ишлаб чиқариш интегра-цияси”ни таъминлаш мақсади-да ИТ-паркда Сунъий интеллект кафедрасининг филиали очил-ган бўлиб, унда соҳанинг етак-чи амалиётчи мутахассислари томонидан амалий машгулот дарслари олиб борилаётир.

Янги Ўзбекистонда сунъий интеллектни ривожлантириш бўйи-ча амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатни рақамли транс-формацияга олиб чиқишда асосий драйвер вазифасини ўта-моқда. Бу жараён инсон ресурсларини ривожлантириш баро-бариди, иқтисодиётни модернизация қилиб, халқаро рақобат-бардошлиқни оширади. Шу билан бирга, келажақ олий таъли-ми: сунъий интеллект орқали таълим тизимини янгилаш йўна-лишлари сифатида инновацияларга асосланган жамият барпо этиш ҳамда технологик мустақиллиқни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Тўлқин ТЕШАБАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ АСОСИ

Шубҳасиз, ҳар байрамнинг ўз шукуҳи, ўз таровати бор. Лекин Ўзбек тили байрами кунининг мамлакатимизда кенг нишонланиши бу миллатимизнинг қадр-қимматига, азалий орзу-умидлари рўёбига, ор-номусига, ўтмиши ва истиқболига кўрсатилган чексиз ҳурмат-эҳтиром ва ишонч ифодасидир. Бу йил ҳам ушбу айём юртимизда гоят кўтаринки руҳда тантана қилинганига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик. Зеро, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига байрам табриги ҳамда 20 октябрь куни қабул қилинган “Давлат тилини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур сана шуқудини янада оширди.

Мулоҳаза

Элнинг ҳамияти тимсоли

Ўзбек тили — миллий маънавиятимиз асоси. У чексиз маънавий қудрат манбаи сифатида асрлардан асрларга, насллардан наслларга ўтиб, халқнинг умрбоқий қадриятларини мангуликка муҳрайди — мавжудлиги, яшов-чанлиги, барҳаётлигини ифода этиб туради. Миллатнинг руҳи, ўзлиги — бус-бутун қиёфаси, аввало, унинг тилида, сўз бойлигида жонли тарзда намоён бўлади.

Мана шу жиҳатдан қараганда, ўзбек тили ўзгуч ўқимиш, сўзлашувчилари сонининг кўпчилиги, ўзига хос лисоний табиати, хилма-хил шевалари билан ҳам дунё тиллари орасида алоҳида макъага эга. Туркийларнинг қадим Энасой ёзувларида, халқ оғзаки ёдгорликларининг дoston, эртақ, алла, лапар, афсона каби бир-биридан гўзал, ранг-баранг намуналарида тилимизнинг илк нишоналари, азалий илдизлири ёрқин бўй кўрсатиб туради.

Элшунос ва тилшунос Маҳмуд Кошғарийдан бошланган илк ёзма адабиёт дурдоналарида ҳам сўзнинг кучи, туганмас қудрати туркий қавмларни ўзаро боғлаб турадиган мустаҳкам ва сира узилмас занжир экани ёрқин намоён бўлади. Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий асарларида эса айнан ўзбек адабий тилининг таъсир қуввати, шираси, жосили, жозибаси нашоъ намо топан.

Маълумки, тил ва эл тушунчалари ҳаммаша ёнма-ён, бири иккинчисисиз тириклик нишонасидан айрилмайдиган бемисл қадриятлардир. Шу маънода, “Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз”, деб ёзади даҳо шоиримиз.

Тил, шубҳасиз, элнинг гурури, орияти, ҳамияти тимсоли. Ўз тилини қадрлаган миллат, аввало, ўтмишига содиқ, аҳдодлари маърифатидан айрилмаган, эътиқодида собит, чинакам жасорат ва матонат соҳибидир.

ги Фармон эълон қилинди. Алоҳида қонун билан “Ўзбек тили байрам кунини” белгиланди.

Ўтган давр мобайнида ўзбек тили ривожини борасидаги ютуқлар сарҳисоб қилинса, асрларга татигулик қатор муваффақиятлар қўлга киритилгани ўз-ўзидан ойдинлашади: турли соҳаларга оид қўллаб қўллаб, тилшуносликка доир тадқиқотлар, ўзбек тили софлигини таъминлаш йўлидаги жонбозликлар... Бу йўлда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти ва Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармасининг муҳим ўрни борлигини ҳам таъкидлаш жоиз, албатта.

Президентимизнинг “Давлат тилини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса ўзбек тилининг мавқеини мустаҳкамлаш, унинг қаддини тиклаш, кадрини юксалтириш йўлида жадал амалга оширилмаётган хайрли ишларнинг давомидир.

Қарорда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, таълим ташкилотларида ўзбек тилини ўқитиш тизимини тақомиллаштириш, унинг софлигини сақлаш ва мунтазам бойитиб бориш, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини кенгайтириш мақсад қилинганлиги эътирофга лойиқ.

Бугун ўзбек тили жаҳон саҳнида масрур жарангламоқда, унинг илмфан тили сифатида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол уйғунлашуви ҳар қачонгидан-да тезкор суръатларда рўй бермоқда. Ана шулардан келиб чиқиб қарорда бир неча вазифалар аниқ ва равшан белгилаб қўйилди.

Масъулият ва моҳият

Ҳужжатда жамиятнинг қўллаб соҳаларини уюшқоқлик билан меҳнат қилишга ундайдиган кенг қамровли чора-тадбирлар турли вазирлик ва идоралар масъулигида асосли тарзда белгиланган бўлиб. Хусусан, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда 2026 йилдан бошлаб таълим қардош тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим ташкилотлари учун ўзбек тилини ўргатиш бўйича дарсликларнинг янги авлодини яратди, мактабгача таълим ташкилотларида ўзбек тилини ўргатиш

бўйича педагоглар учун ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқади. Бу ўзбек тилининг ёш авлод тарбиясидаги тенгсиз аҳамиятини тизимли тарзда, босқичма-босқич, муайян тадрижийлик асосида юзага чиқаришни ва юрт равнақига хизмат қиладиган ҳаётий самаралар беришини таъминлайди.

Аввало, жамиятимизнинг энг ёш тоифасида тилимизга муҳаббат уйғонмас экан, ўзбек тилининг ўзаро мулоқот ва ифода имкониятлари ҳақидаги қарашлар уларнинг онгу шуурида етарлича сингдирилмас экан, биз маъна баркамол, юртпарвар, миллатсевар, Ватан манфаатларига содиқ фидойи авлодин камол топтира олмаимиз. Шунга кўра, Президентимизнинг ушбу тарихий қарори мамлакатимиз тақдирининг нафақат бугунги кунини, балки эртанги ёруғ истиқболларини ҳам ҳар томонлама пухта ўйлаб қабул қилинган, унда элсеварлик ва тилимизга катта ҳурмат руҳи устуворлиги ҳар биримизни қувонтиради.

Қарорда Фанлар академияси зиммасига 2026 йил 1 июнга қадар кўп жилдли “Ўзбекистон миллий қомуси”ни электрон шаклда тайёрлаш ва эълон қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини шакллантириш, 2026 йил 1 декабрга қадар “Она тили. Қомус” китобини чоп этиш вазифалари юклатилган. Бажарилиши лозим бўлган ишларнинг аниқ саналар билан кўрсатилгани ўзбек тилининг илм-фан тили сифатидаги мақомини орттириш ва кенг халқ оmmasига бу борадаги ютуқларни тарғиб қилиш учун ҳам катта имконият.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги янги қабул қилинаётган атамалар бўйича жамоатчилик муҳокамасини кузатиб бориши, улар асосида тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши, ўзбек тилида чоп этилган луғатларни ўзида жамлаган ва фойдаланиш учун қулай бўлган электрон платформани яратиш бўйича илмий лойиҳалар танловини ўтказиши ҳам қарорнинг амалий аҳамиятини оширади.

Юртбошимизнинг табригида саккиз йил олдин мамлакатимизда бошланган том маънодаги тарихий ислохотлар туфайли ўзбек тили ривожига ҳам янги давр бошлангани эътироф этилгани бежиз эмас. Айтиш мумкинки, Президентимизнинг “Давлат тилини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ана шу янги даврнинг катта бир қадами, Янги Ўзбекистонда она тилимизнинг қаддини янада баланд қиладиган янги ҳаёти, янги шуқудини йўлига берилган “йўлланма”дир.

ЎЗРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор.

Халқпарварлик сиёсати ифодаси

Турли вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигида илмий конференциялар, анжуманлар ташкил этилиши, ўрта мактаб ўқувчилари учун умуммиллий диктант лойиҳаси ва барча таълим даргоҳларидаги ўзбек тили фани ўқитувчилари учун “Йилнинг энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси” республика танловлари ўтказилиши жамият маънавий ҳаётининг она тилимиз руҳи, нафаси билан уйғунлигида ўзгача шуқуҳ ва гурур ила илдамлашни таъминлайди.

Шунингдек, қарорда ўзбек тили кенг тарғиб ва ташвиқ этиш масаласида ҳам аниқ режалар белгилаб берилган. Жумладан, чет эллик талабалар ўртасида ўзбек тили бўйича республика олимпиадаси, “Ўзбек тили — қалбим таржимони” кўрик-танловини ўтказиш белгиланган.

Президентимизнинг ташаббуси билан юзага келган “Ватандошлар” жамоат фонди маблағлари ҳисобидан хорижий давлатлардаги ўзбек диаспора ташкилотлари ҳузурида ватандошларнинг фарзандларига ўзбек тилини ўргатишга ихтисослаштирилган ўқув марказлари ташкил этишга кўмаклашиш, уларни зарур ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва адабиётлар билан таъминлаш чора-тадбирлари ҳам қарорда алоҳида эътибор қаратилгани инсонпарварлик, барикенглик, халқпарварлик сиёсати ифодасидир.

Демак, яқин келажақда қарор ижроси бўйича яна жуда катта ҳажмдаги маънавий, маърифий ишлар амалга оширилади. Бу ўзбек тилининг жаҳон майдонидagi нуфузини янада юксалтиришга ҳисса қўшади. Халқимизнинг руҳини кўтариш, тилимизнинг бемисл қадрият сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш, юрт равнақи, Ватан тараққиёти, халқ манфаатлари йўлида жипсликда, бир тан-бир жон бўлиб, шижоату ғайрат билан меҳнат қилишларига рағбат уйғотади.

Мақсуд АСАДОВ,

Фахр

Ўзлигимиз кўзгуси

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига байрам табригида халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида тил маданияти ва саводхонликни тарғиб қилишга қаратилган замонавий ва таъсирчан медиа-маҳсулотларни кўпайтириш лозимлигига урғу қаратилди. Айниқса, фарзандларимизни она тилимизга меҳр қўйиб, унинг беқиёс бойлиги ва имкониятларидан баҳраманд бўлишга ўргатиш маънавий-маърифий тарбиянинг ажралмас бир қисми экани, бу долзарб масала ижодкор зиёлиларимиз, таълим-тарбия, маданият, ёшлар, маҳалла, хотин-қизлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари фаолиятида доимо марказий ўринда туриши, бугун жамиятимизда умуммиллий ҳаракатга айланиши кераклиги таъкидланди.

Мазкур давлат ўзбек телевидениесида фаолият юритаётган биз, суҳандон ва бошловчиларнинг ҳам зиммасига улкан масъулият юклайди.

Дарҳақиқат, телевидение минглаб хонадонларга нафақат ахборот, балки нутқ маданиятини ҳам етказиши. Шу маънода, эфир олдидagi тайёргарлик мен учун нафақат касбий бурч, балки маънавий масъулият ҳам. Тилга олаётган ҳар бир сўз учун масъулман, таъбир жоиз бўлса, бу халқ олдидаги юзим. Шу боис талаффуз ва оҳанг устида тинимсиз ишлайман. Ҳар кунини нутқ машқларини бажараман, янги сўзларнинг маъносини, ургусини ўрганаман.

Афсуски, айрим бошловчилар эфирдаги мулоқот пайтида баъзан шевага ўтиб кетади, бундан хижолат ҳам тортмайди. Биламизки, жонли эфир пайтида матнларни лингвистик тахрирдан ўтказишнинг имконияти йўқ, чунки бундай вазиятларда бошловчи ва дастур меҳмонлари эркин фикр юритади. Энг асосийси, эфирга чиқаётган инсон масъулиятни чуқур ҳис этиб, адабий тил қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда сўзлашиши жуда муҳим. Телевидение орқали соф тилининг нафосати ва гўзаллиги намоён бўлса, бу миллат маданиятининг юксалиши, демокдир.

Ахборотни сўз билан жонлантириш, уни қалб билан ҳис этиш — бу санъат. Ҳар бир хабар ортда инсонлар тақдири, муаммолари, воқеалар ривожини ётга-



ни боис, бизнинг мақсад дастлаб буларни синчиклаб ўрганиб, сўнг эса муайян хабарнинг кайфиятидан келиб чиқиб, ҳис-ҳаяжон билан томошабинга етказиб билишидир. Ўзимни гўё томошабин билан юзма-юз тургандек ҳис қиламан. Табасум, кўздаги нур, интонация — булар эфир маданиятининг бир бўлағи. Аммо бу фақат туғма қобилият эмас, балки йиллар давомидаги меҳнат, изланиш, машқ ва таҳрибга натижада шаклланган маҳорат маҳсули.

Айтиш мумкинки, жонли эфир — синон ва ижод майдони. Янги атамалар, уларнинг маъноси ва талаффузи устида тақорр ва тақорр ишлаймиз. Чунки нотўғри талаффуз қилинган ҳар бир сўзни миллионлик аудитория дарҳол пайкайди. Шу боис “матн ўқилди — таом” деган тушунча йўқ.

Турли қадриятларга суҳандонлик қилар эканман, ўзбек тилининг жозибасини, латофатини, сўзларнинг сермаънолигини тақорр-тақорр ҳис қиламан. Она тилимда сўзлаб, завқланаман, яйрайман. Қалбим фаҳрга тўлади. Зеро, ўзбек тили — миллатимизнинг руҳи, ўзлигимиз кўзгусидир.

Нодирхон МУҲАММАДХОНОВ,
«O'zbekiston 24» телеканалнинг олий тоифали суҳандони,
«Дўстлик» ордени соҳиби.

РЕКЛАМА

TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETIDA

2026-yilga doktorantura va tayanch doktorantura uchun tasdiqlangan qabul kvotasi

№	OTM nomi	Doktorantura (DSc) Ixtisoslik shifri va nomi	Kvota soni	Tayanch doktorantura (PhD) Ixtisoslik shifri va nomi	Kvota soni
1	TDAU	03.00.10 – Ekologiya	1	03.00.10 – Ekologiya	1(1)*
2		03.00.13 – Tuproqshunoslik	0	03.00.13 – Tuproqshunoslik	4
3		03.00.15 – Ixtiologiya	1	03.00.15 – Ixtiologiya	3
4		06.01.01 – Umumiy dehqonchilik. Paxtachilik	0	06.01.01 – Umumiy dehqonchilik. Paxtachilik	2
5		06.01.02 – Melioratsiya va sug'orma dehqonchilik	0	06.01.02 – Melioratsiya va sug'orma dehqonchilik	2
6		06.01.05 – Seleksiya va urug'chilik	2	06.01.05 – Seleksiya va urug'chilik	6
7		06.01.06 – Sabzavotchilik	2	06.01.06 – Sabzavotchilik	4
8		06.01.07 – Mevachilik va uzumchilik	1	06.01.07 – Mevachilik va uzumchilik	7
9		06.01.08 – O'simlikshunoslik	2	06.01.08 – O'simlikshunoslik	6
10		06.01.09 – O'simliklarni himoya qilish	1	06.01.09 – O'simliklarni himoya qilish	5(1)**
11		06.01.11 – Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash	2	06.01.11 – Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash	5
12		06.02.01 – Qishloq xo'jaligi hayvonlarini urchitish, ko'paytirish, seleksiyasi va genetikasi. Qorako'lchilik	1	06.02.01 – Qishloq xo'jaligi hayvonlarini urchitish, ko'paytirish, seleksiyasi va genetikasi. Qorako'lchilik	1
13		06.02.03 – Xususiy zootexniya. Chorvachilik mahsulotlarini ishlab chiqarish texnologiyasi	1	06.02.03 – Xususiy zootexniya. Chorvachilik mahsulotlarini ishlab chiqarish texnologiyasi	2
14		06.02.04 – Ipakchilik	0	06.02.04 – Ipakchilik	2
15		06.02.05 – Baliqchilik	1	06.02.05 – Baliqchilik	1
16		06.03.01 – O'rmon ekinlari, seleksiya, urug'chilik va shaharlarni ko'kalamzorlashtirish. O'rmonlar agromeliorsiyasi va himoya o'rmonlarini barpo etish	2	06.03.01 – O'rmon ekinlari, seleksiya, urug'chilik va shaharlarni ko'kalamzorlashtirish. O'rmonlar agromeliorsiyasi va himoya o'rmonlarini barpo etish	5
17		08.00.04 – Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti	1	08.00.04 – Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti	3
18		08.00.08 – Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit	1	08.00.08 – Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit	3
19		08.00.13 – Menement	0	08.00.13 – Menement	1
20		06.03.03 – Dorivor o'simliklar introduksiyasi, yetishtirish texnologiyasi va agrofarmekologiyasi	0	06.03.03 – Dorivor o'simliklar introduksiyasi, yetishtirish texnologiyasi va agrofarmekologiyasi	2
Jami:		Doktorantura (DSc)	19	Tayanch doktorantura (PhD)	65

Izoh: *-ekologiya sohasidagi xotin-qizlar uchun kvota (PQ-184);

** - 06.01.09-O'simliklarni himoya qilish ixtisosligi maqsadli tayanch doktorantura.

Tanlovga topshiriladigan hujjatlar ro'yxati va imtihon dasturlari www.tdau.uz saytida e'lon qilinadi.

Talabgorlardan hujjatlar 2025-yilning 5-noyabrigacha qabul qilinadi.

Tayanch doktoranturaga kirish imtihonlari va doktoranturaga kirish uchun suhbat 2025-yilning 1-noyabridan 25-noyabrigacha bo'lgan davrda o'tkaziladi.

(PhD) — Tayanch doktoranturada o'qish uchun talabgorlar **chet tili** bo'yicha belgilangan tartibdagi "B1", ayrim ixtisosliklar uchun "B2" darajadagi til bilish sertifikatining asl nusxasini 2 ish kunida universitetning ilmiy tadqiqot va innovatsiyalar bo'limiga taqdim etadi.

Mutaxassislik bo'yicha belgilangan tartibda kirish imtihonlari topshiriladi.

(DSc) — Doktoranturada o'qish uchun kirayotgan talabgorlar Kollegial organ tomonidan ixtisoslik bo'yicha suhbatdan o'tadilar va belgilangan tartibdagi "B1", "B2" til bilish sertifikatining asl nusxasini 2 ish kunida universitetning ilmiy tadqiqot va innovatsiyalar bo'limiga taqdim etadi.

Bundan tashqari, yuqorida nomlari keltirilgan ixtisosliklar bo'yicha mustaqil izlanuvchilik uchun ham talabgorlar suhbat asosida tayanch doktorantura (PhD) va doktorantura (DSc)ga mustaqil tadqiqotchilikka qabul qilinadi.

Ro'yxatdan o'tish <http://phd.mininnovation.uz> yagona elektron tizimi orqali

Manzil: 100140, Toshkent shahri, Universitet ko'chasi, 2-uy, TDAU, Bosh bino. Ilmiy bo'lim. 311-xona.

Telefonlar: 71-260-44-95; 71-260-39-73.

E-mail: nauka@tdau.uz

Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги табиий қўл ҳудудида 2 гектарлик замонавий дам олиш маскани ва балиқ овлаш инфратузилмаси барпо этилмоқда.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллафга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахририят компьютер терминал хамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.25 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6